

Бугунги кунда кўпчилик давлатнинг электр-энергиясидан ўқиринча фойдаланишади.

21:29 / 27.04.2016 4019

САВОЛ - Қадимда халифалар давлат берган шамни давлат ишларига, шахсий шамларини ўз ишларига ёқишган экан. Бугунги кунда кўпчилик давлатнинг электр-энергиясидан ўқиринча фойдаланишади. Уларнинг ҳукми қандай бўлади?

ЖАВОБ -Уйида ўзининг шамини ёқиб, давлатни ишида давлатни шамини ёқган зот бу Умар ибн Абдулазиз бўладилар. Ҳақиқатан у киши адолат юзасидан, парҳезгорлик юзасидан, давлатни ҳаққидан қўрқиб юзасидан зарбулмасал бўлган давлат бошлиқларидан бири ҳисобланади. Энди саволни жавҳарига ўтадиган бўлсак, ҳақиқатан бугунги кунда ҳоҳ электр энергияси бўлсин, ҳоҳ газдан фойдаланиш бўлсин ёки бошқа маиший хизматлардан фойдаланиш бўлсин. Унда ўғрилик маъноси, уриб қолиш маъноси кенг тарқалган. Бунда фойдаланувчилар ҳам айбдорлари бор ва шу билан бирга ана шу ҳақларни ундириб олиш учун давлат тарафидан қўйилган кишиларни ҳам ҳиёвати кўзга кўринарлик. Бу савол деярли ҳар куни ўтиришларда, учрашувларда бериб туриладиган савол. Ана ўша вазифадор хизматчи келиб уй эгаларига айтар эканки, "сизни ҳисоблагичингиз бўйича электр фалон сўмлик бўлибди ёки газ пистонча сўмлик бўлибди, агар келишсак мен уни ҳаммасини олмасдан ярмини ёки фалон қисмини оламанда сизни ҳисоблагичингиз орқага айлантириб қўяман ва сиз берган пулдан бир қисмини ўзимга, бир қисмини давлатга қиламан" деган маънони айтар экан. Келишилса бу ерда ана шундай ҳиёнат ўзи фойдаланган нарсани нарҳини тўлов бермаслик юзага келар экан. Қизиғи шуки баъзи- бир кишиларни айтганда "йўқ менга ундай келишишни кераги йўқ, нима ёзган бўлса шуни оласан мен ҳаром иш қилмоқчи эмасман" деган одамлар ҳам бор экан. Ана ўшалар шундай муомала қилса, ҳақни ундирувчилар кейин келмай қўяр экан. Чунки бу ерга унинг шахсий манфаати йўқлиги ўз ўрнини кўрсатар экан. Бундай қилмаслик керак модомики ўша нарсадан фойдаланилдими ҳаққини адо қилиш лозим, ҳиёнат қилмаслик керак, тўғрича бўлиши лозим керак нарсадир.